

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.**

**РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САИДРАСУЛОВА ГУЛИЗЕБО БАХТИЁР ҚИЗИ**

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТ РАДИОГРАФИК  
РИВОЖЛАНИШИДА КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
ЎРНИ**

**14.00.05–Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Саидрасулова Гулизебо Бахтиёр қизи</b> Анкилозловчи спондилоартрит радиографик ривожланишида клиник- иммуногенетик кўрсаткичларнинг ўрни.....	3
<b>Саидрасулова Гулизебо Бахтиёр қизи</b> Роль клинико-иммуногенетических показателей в радиографическом прогрессировании анкилозирующего спондилоартрита.....	19
<b>Saidrasulova Gulizebo Bakhtiyor kizi</b> The role of clinical-immunogenetic indicators in radiographic progression of ankylosing spondyloarthritis.....	35
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	37

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

---

**САИДРАСУЛОВА ГУЛИЗЕБО БАХТИЁР ҚИЗИ**

**АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТ РАДИОГРАФИК  
РИВОЖЛАНИШИДА КЛИНИК-ИММУНОГЕНЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
ЎРНИ**

**14.00.05–Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2678 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирахмедова Хилола Тўхтасиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Акбар Хатамович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Анкилозловчи спондилоартрит (АС) сурункали ривожланиб борувчи иммун-яллиғланишли ревматик касаллик ҳисобланади. Бутун дунёда, АС 0,1% дан 1,4% гача тарқалган бўлиб, эркаклар аёлларга нисбатан тахминан 2-4 марта кўп касалланади<sup>1</sup>. Бу касалликнинг нафақат тиббий балки, ижтимоий аҳамияти шундаки, беморларнинг асосий қисмини меҳнатга лаёқатли ёшлар ва меҳнат ёшидаги аҳоли ташкил қилади. Касаллик умуртқа поғонасида доимий оғриқ, ҳаракатлар чекланиши, йирик бўғимлар жароҳатланиши туфайли эрта ногиронликка олиб келади. Ҳозирги кунда АС этиологияси номаълум, патогенезида бир қатор омиллар жумладан, генетик HLA-B27 антигени, интерлейкинлар, трансформацияловчи ўсиш омил-β1 ва металлопротеиназалар муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда касалликни эрта ташхислаш ва радиографик ривожланишида асосий эътибор асбобий текширувлардан МРТга қаратилмоқда. АСда яллиғланиш ва патологик янги суякланиш босқичлари фарқланади. Шу сабабли, иммуногенетик маркёрлар ва радиологик текширув усулларидан фойдаланиш асосида, касалликни эрта ташхислаш ва ортга қайтмас структур ўзгаришларнинг олдини олиш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб илмий ҳамда амалий муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда АС патогенезини ёритиш, эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигига эришиш учун қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар АС ташхисини тасдиқловчи, касаллик фаоллигини акс эттирувчи, клиник кечишини башорат қилувчи маркёрларнинг аҳамиятини, генетик кўрсаткичларнинг касаллик кечишидаги ўрнини, ташхислашда асбобий усулларнинг аҳамиятини, структур ўзгаришларни башоратлашни асослашдан иборат. АС клиник кечиши, структур ривожланишида рентгенографик ва МРТ текширувининг аҳамиятини баҳолаш каби амалга оширилган тадқиқотлар асосида АСни эрта ташхислаш, авж олиши ва ривожланишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, жумладан «... бирламчи тиббий ёрдам хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup>, каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда анкилозловчи спондилоартритда радиографик ривожланишни баҳолаш, касалликни клиник-иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш, эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш, авжланишини олдини олиш борасида илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар

<sup>1</sup> Ramiro S, Nikiphorou E, Sepriano A, et al ASAS-EULAR recommendations for the management of axial spondyloarthritis: 2022 update *Annals of the Rheumatic Diseases* 2023;82:19-34.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофик бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АС этиологияси ҳанузгача аниқ бўлмаган касаллик, унинг патогенезида HLA-B27 антигени ва ИЛ-17 цитокини иштирокига катта аҳамият берилмоқда.

АСни эрта ташхислаш, унда иммуно-генетик кўрсаткичлардан фойдаланиш, беморларда радиографик ривожланишни эрта башорат қилиш ҳозирда долзарб муаммолардан бири саналади. Шунингдек, касалликни эрта ташхислашда замонавий текширув усулларини қўллаш бугунги куннинг имкониятларидан биридир (M. Rudwaleit, X. Baraliakos et al. 2023; Эрдес Ш. Ф. 2014). Сакроилеал битишма ва умуртқа поғонасидаги яллиғланиш жараёнини МРТ текшируви ёрдамида аниқлаш ва АСга хослигини баҳолаш, касалликни эрта ташхислашда қўлланиладиган зарур текширув усулидир (Ch. Lu, G. Huang et al. 2021; X. Baraliakos, N. Khmelinskii et al. 2018; M. Dougados, et al. 2018.). АСдаги структур ривожланишларни баҳолашда ҳамда касалликнинг радиографик ривожланишини назорат қилишда анаънавий рентген усулидан фойдаланиш ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ (P Maksymowych 2012; Ch. Know et.al 2021; G. Khaydarova 2014).

Спондилоартритни Баҳолаш Халқаро Жамиятининг (ASAS) 2009-йилги янги ташхис мезонларида, нафақат рентген текшируви балки, МРТ ва HLA-B27 антигени ҳам ташхис мезонларига киритилган (J. Braun 2018). J. Braun ва бошқалар эрта аксиал спондилоартритли беморларда ген-инженер биологик дори воситаларининг самарадорлигини баҳолашда, рентген ва МРТ текшируви ёрдамида радиографик ривожланишни кузатган (J. Braun, R. Blanco et al. 2023). АСнинг патогенезида ИЛ-17 (W. Liu et al 2015; J. Braun, M Rudwaleit 2013), ММП-3 (W. Maksymowych 2009; D. He et al. 2017; M. Lorenzin, A.Ortolan et al. 2019) ва трансформацияловчи ўсиш омили-β1 (G. Dennis, Mc. Gonagle et al. 2019; J. Braun, X. Baraliakos, M. Dougados 2015; Эрдес Ш.Ф. 2016) маркёрларининг аҳамияти ўрганилаётган бўлса ҳам, лекин касалликнинг радиографик ривожланишида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида манбаалар кам (H. Harman, I. Tekeog'lu et. al. 2016).

Ўзбекистонда қатор олимлар АСни ташхислаш, минераллар алмашинуви, даволашни мувофиқлаштириш ва реабилитация масалалари бўйича (Алиохунова М.Ю., Набиева Д.А. 2003, Пўлатова Ш.Б. 2022), Covid-19 ўтказган АС беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари, иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти тўғрисида тадқиқотлар олиб борганлар (Ахмедов Х.С., Абдурахмонова Н.Б. 2022).

Бугунги кунга келиб, АСни эрта босқичда ташхислаш, даво самарадорлигини радиографик текширувлар ёрдамида назорат қилиш долзарблигича қолмоқда. АСда иммуногенетик маркёрлар, матрикс металлопротеиназа, трансформацияловчи ўсиш омили-β1ни структур ривожланиш белгилари билан боғлиқликдаги аҳамияти кам ўрганилган. Шунингдек, АСни ташхислаш ва даволаш алоҳида эътиборга лойиқ. HLA-B27 антигени билан боғлиқ АСнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш, унинг турли босқичларида радиографик белгиларини аниқлаш, структур ўзгаришларни модификацияланган Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS-Modified Stoke Ankylosing Spondylitis Spinal Score) индекси орқали аниқлаш муҳим. АС касаллигини эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш, ногиронликнинг олдини олиш, унинг клиник ҳамда лаборатор предикторларини ишлаб чиқиш лозимлиги ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муаммо саналади. Касалликни эрта аниқлашда клиник-лаборатор усулларни муқобиллаштириш қўшимча илмий тадқиқотларни талаб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофик №011500214 «Ички касалликларни ташхислаш, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** анкилозловчи спондилоартритнинг турли босқичларида клиник-иммуногенетик, радиографик кечиш хусусиятларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

анкилозловчи спондилоартритнинг турли босқичларида клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш.

анкилозловчи спондилоартритда лаборатор ва генетик кўрсаткичларнинг диагностик ҳамда прогностик аҳамиятини аниқлаш.

анкилозловчи спондилоартритда яллиғланиш олди цитокини интерлейкин-17, трансформацияловчи ўсиш омили- $\beta$ 1 ва металлопротеиназа-3ларнинг касаллик кечишига таъсирини ўрганиш.

анкилозловчи спондилоартритнинг турли босқичларида радиографик белгиларини баҳолаш.

анкилозловчи спондилоартритда Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS-Modified Stoke Ankylosing Spondylitis Spinal Score) индексини баҳолаш ва клиник-иммуногенетик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг Республика ревматология маркази, артрологик ихтисослаштирилган амбулатор даволаш курси (ИАДК), ревматология ва ички касалликлар реабилитацияси бўлимларида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 100 нафар анкилозловчи спондилоартрит ташҳиси билан даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қон ва қон зардоби, сакроилеал битишма ва умуртқа поғонасининг рентгенологик ва МРТ текширув усулларининг маълумотлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш мақсадида клиник, функционал (BASFI-Bath Ankylosing Spondylitis Functional Index), визуал аналогли шкала (ВАШ), касаллик фаоллик (BASDAI-Bath Ankylosing Spondylitis Disease Activity Index, ASDAS<sub>ЭЧТ</sub>, ASDAS<sub>СРО</sub>-Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score,) индекслари, генетик (HLA-B27 антигени), иммунологик (интерлейкин-17, матрикс металлопротеиназа-3, трансформацияловчи ўсиш омили  $\beta$ -1), асбобий (умуртқа поғонаси ва сакроилеал битишманинг рентгенологик ва МРТ текшируви) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

клиник, лаборатор, иммуногенетик ва асбобий текширув натижаларига асосан, анкилозловчи спондилоартритнинг структур ривожланишида эркак жинси, HLA-B27 антигени, фаоллик даражасининг юқорилиги ва мавжуд структур ўзгаришларнинг таъсири асосланган;

анкилозловчи спондилоартритда яллиғланиш олди цитокини интерлейкин-17 миқдорининг ортиши ва трансформацияловчи ўсиш омили  $\beta$ -1 миқдорининг камайиши яллиғланиш жараёнининг жадаллашишига олиб келиши аниқланган;

анкилозловчи спондилоартритда матрикс металлопротеиназа-3 миқдорининг кўпайиши, яллиғланиш жадаллашуви ва сакроилеал битишмада эрозиялар сонининг ортиши билан намоён бўлиши асосланган;

анкилозловчи спондилоартритда Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS-Modified Stoke Ankylosing Spondylitis Spinal Score) индекси билан интерлейкин-17 ва матрикс металлопротеиназа-3 миқдори ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анкилозловчи спондилоартритни эрта ташҳислаш, сакроилеал битишма, умуртқа поғонасида яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини аниқлашда рентгенологик текширувига нисбатан МРТ текширувининг афзаллиги исботланган;

анкилозловчи спондилоартритни эрта босқичда ташхислаш мақсадида сурункали бел оғриғи билан мурожаат қилган барча беморларда сакроилеал битишмани МРТ текширувида T1, T2 ва СТИР режимларининг аҳамияти баҳоланган;

тақдим қилинган сўровнома беморлар томонидан тўлдирилиши туфайли беморлар, бирламчи бўғин шифокорларида маълум вақтнинг тежалиши ва касалликни эрта ташхислашга йўналтириши асосланган;

Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдроми баҳоланган (mSASSS-Modified Stoke Ankylosing Spondylitis Spinal Score) индексини камида 2 йилда баҳоланган орқали радиологик ривожланиш жадаллигини ва оғирлигини кузатиш асосланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқот ишига услубий жиҳатдан тўғри ёндашилганлиги, анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар сонининг етарлилиги, назорат гуруҳи мавжудлиги, клиник, лаборатор, генетик, иммунологик ва асбобий текширувлардан фойдаланилганлиги, ҳамда олинган натижаларга тиббий статистик усуллар ёрдамида таҳлилдан ўтказилганлиги, шунингдек, илмий амалий ёндошувда халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АС узлуксиз ривожланувчи касаллик бўлиб, беморларда яллиғланиш жараёнлари билан бир қаторда, структур ривожланиш жараёни кечиши, ТҶО-β1нинг камайиши, натижада яллиғланиш жараёнининг узлуксиз давом этиши, матрикс металлопротеиназа-3 миқдорининг юқорилиги, сакроилеал битишмада ва умуртқа поғонаси бўйлаб эрозиялар сонининг кўплигини, касаллик кечки босқичида интерлейкин-17 миқдорининг, эрта босқичига нисбатан юқорилиги ушбу маркёрларни структур ривожланишни прогностик баҳоланган орқали беморларга индивидуал терапияни қўллаш, касалликни эрта ремиссияга тушириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АС патогенези ва кечишига таъсири ҳамда клиник кўринишлари бўйича HLA-B27 антигенининг аҳамияти, асбобий текширувлар ёрдамида касалликни эрта ташхислашда комплекс ёндошув, АСнинг турли босқичларида радиографик ривожланишига хос аҳамиятли хавф омилларининг аниқланиши, қўлланилган МРТ текширувининг турли режимларида касалликка хос белгиларни фарқлаш, клиник ва рентгенологик ўхшаш белгиларга эга артритлар билан қиёсий ташхислаш усули сифатида киритиш ва бу омилларни аниқлаш ҳамда эрта олдини олиш, индивидуал даволаш чораларини қўллаш орқали умумий ёндошув зарурлиги, АС этиопатогенезининг хусусиятларини билиш, махсус сўровнома қўлланилиши орқали беморлар, бирламчи бўғин шифокорларида маълум вақтнинг тежалиши ва касалликни эрта ташхислашга имкон бериши, АСнинг эрта ташхислаш механизминини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** АСни радиографик ривожланишини клиник-иммуногенетик кўрсаткичлар асосида эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари 3-сон шаҳар клиник шифохонасида 26.09.2023 йилдаги 32-сонли буйруқ, Миробод тумани 1-сон оилавий поликлиникасида 22.09.2023 йилдаги 468-14-199-ДОР/2023-сонли буйруқ ва Яшнобод тумани 32-сон оилавий поликлиникасида 28.09.2023 йилдаги 11/07-213сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Анкилозловчи спондилоартритда HLA-B27 генининг аниқланилиши, касалликни эрта ташхислашга, унинг авж олиб боришини камайтиришга ва 64% беморларда унинг авж олишини секинлаштирилиб, ремиссияга эришилишига имкон берган;

анкилозловчи спондилоартритда яллиғланиш олди цитокини интерлейкин-17 ва трансформацияловчи ўсиш омили β-1 миқдорини аниқлаш натижасида, мавжуд яллиғланиш, касаллик фаоллигини кузатиш ва камайтиришга қаратилган чоралар беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 8 кунгача қисқартириб, тўлов

миқдорини 724 минг сўмга камайтирган ва беморларда касалликни паст фаоллик даражаси ва ремиссия даврига ўтказишга имкон берган ҳамда меҳнат фаолиятини қисман тикланишига эришилган;

анкилозловчи спондилоартритда матрикс металлопротеиназа-3 миқдорининг аниқланиши сакроилеал битишмада яллиғланиш даражаси ва касаллик фаоллигини камайтириш учун қўлланилган. Касаллик фаоллиги ва яллиғланиш даражасининг камайиши, уни ривожланишини пасайтириб, эрта ногиронликни олдини олиш имконини берган;

анкилозловчи спондилоартритда касалликнинг авж олиши ва структур ўзгаришларнинг ривожланишини назорат қилиш орқали беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10 кундан 8 кунгача қисқартирилиб, тўлов миқдорининг 724 минг сўмга тежалишига ёрдам берган ва 64% беморларда касалликнинг паст фаоллик даражаси, ремиссия даврига ўтказишга имкон берган ҳамда меҳнат фаолиятининг қисман тикланишига эришилган.

Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида анкилозловчи спондилоартритни эрта ташхислаш, унинг ривожланишини секинлаштириш, касаллик авж олиши ва тизимли асоратлар ривожланишини олдини олиш, беморларнинг меҳнат қобилиятини узоқ муддатли сақлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Саидрасулова Гулизебо Бахтиёр қизининг “Анкилозловчи спондилоартрит радиографик ривожланишида клиник-иммуногенетик кўрсаткичларнинг ўрни” ва “Анкилозловчи спондилоартритни клиник-иммуногенетик кўрсаткичлар асосида эрта ташхислаш усуллари” мавзуларида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 14-мартдаги 03/083-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, муҳокама, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар қисмидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Анкилозловчи спондилоартритнинг радиографик ривожланишида клиник-иммуногенетик жиҳатлари**” деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзу бўйича замонавий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда мулоҳазалар келтирилган. Жаҳонда, АС билан тадқиқотлар олиб борган турли муаллифларнинг маълумотлари таҳлил қилинган, касалликнинг тарқалиши ва этиопатогенези, клиник кечиши, лаборатор ҳамда асбобий текширув натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг патогенези, ривожланиши ва кечишида бир қатор омиллар: интерлейкин-17, матрикс металлопротеиназа-3 ва трансформацияловчи ўсиш омили  $\beta$ -1нинг аҳамияти ёритилган ва мавзуга оид маҳаллий, хорижий адабиётлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Анкилозловчи спондилоартритли беморларни текшириш услуб ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга жалб этилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, унинг материаллари ва усуллари, статистик қайта ишлаш баён қилинган. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси Республика ревматология маркази артрологик ИАДК, ревматология, ва ички касалликлар реабилитацияси бўлимларида даволанган, 18-60 ёш оралиғидаги 100 та анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморлар жалб қилинган. Беморларнинг ўртача ёши  $42,19 \pm 1,93$ . Эркаклар ва аёллар нисбати 3,76:1ни, улардан 79%и эркакларни, 21%и аёлларни ташкил этган.

Анкилозловчи спондилоартритли беморлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган: биринчи гуруҳни касалликнинг эрта босқичи аниқланган 40 нафар, иккинчи гуруҳни ифодаланган ва кечки босқичдаги 60 нафар беморлар ташкил этган. Назорат гуруҳи 20 нафар ўрта ёшдаги амалий соғлом шахслардан иборат бўлган.

Беморлар клиник, лаборатор ва асбобий текширувлардан ўтказилган. Анкилозловчи спондилоартрит ташхиси Спондилоартритни Баҳолаш Халқаро Жамиятининг (ASAS 2009-йилги) ва модификацияланган Нью-Йорк (1984) ташхис мезонлари асосида қўйилган.

Лаборатор текширувлардан умумий қон таҳлили, ўткир фазали синамалар (С-реактив оксил) ва қон биохимик текшируви ўтказилди. HLA-B27 антигени ПЦР текширув усули орқали аниқланди. Лаборатор текширувлар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси лабораториясида ўтказилган.

Интерлейкин-17 (Elabscience, US), матрикс металлопротеиназа-3 (Elabscience, US) ва трансформацияловчи ўсиш омили  $\beta$ -1 (Elabscience, US) қон зардобиди иммунофермент анализ усули ёрдамида аниқланди. Текширувлар Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-текшириш лабораториясида ўтказилган.


Анкилозловчи спондилоартритнинг фаоллик даражасини аниқлаш BASDAI (Bath Ankylosing Spondylitis Disease Activity Index), ASDAS<sub>CRP</sub>, (Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score) ASDAS<sub>эчт</sub>, функционал ҳолатни баҳолаш BASFI (Bath Ankylosing Spondylitis Functional Index) ва оғриқ интенсивлиги ВАШ (Визуал аналогли шкала) индекслари ёрдамида баҳоланган.

Асбобий текширувлардан ЭКГ, ЭхоКГ, сакроилеал битишма ва умуртқа поғонаси рентгенографияси ҳамда МРТ текшируви ўтказилган. Рентген ва МРТ текшируви натижалари радиолог маслаҳати билан тасдиқланган. Сакроилеит босқичлари Kellgren-Lowrens таснифи бўйича баҳоланган. Умуртқа поғонаси структур ўзгаришлари mSASSS-модификацияланган Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS-Modified Stoke Ankylosing Spondylitis Spinal Score) индекси ёрдамида аниқланган. МРТ текширувида T1, T2 ва STIR режимда сакроилеал битишма ва умуртқа поғонаси дастлаб ва 2 йилдан сўнг қайта текширилган. МРТда умуртқа поғонаси ён ва олд-орқа кесмада текширилган бўлса, сакроилеал битишма ярим коронар ва ярим саггитал кесмада текширилган.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерида олиб борилган. Статистик аҳамиятнинг ўзгариши  $p < 0,05$  ишончлилик миқдори ҳисобланган. Хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсон (r) жуфт корреляция коэффициенти ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг “**Анкилозловчи спондилоартритнинг клиник лаборатор хусусиятлари**” номли учинчи бобида АСнинг турли босқичларида кечиш хусусиятлари, касаллик фаоллигининг клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлари натижалари келтирилган.

Касаллик кечиши давомида экстра-аксиал ва скелетдан ташқари клиник белгилар билан намоён бўлади. Экстра-аксиал белгиларга периферик артрит, коксит, энтезит ва дактилит киради. АСнинг турли клиник босқичларида экстра-аксиал белгилар учраши таҳлил қилинган (1-расм).




**1-расм. Анкилозловчи спондилоартритнинг экстра-аксиал намоян бӯлиши**

Касалликнинг эрта босқичида периферик артрит 1,38 марта устувор аниқланган бўлса, кечки ва ифодаланган босқичида коксит 20,6 марта кўпроқ учраши аниқланди. Энтезит ҳар иккала гуруҳда деярли тенг нисбатда, дактилит эса кам ҳолатда намоян бўлган.

2-гурӯҳдаги беморларда коксит кўп учраган. Деярли барча ҳолатда коксит билатерал аниқланган. Коксити мавжуд беморларнинг ўртача ёши 26,3 ёшни ташкил этган. Ўртача 10 йилдан сўнг, коксит билан оғриган беморларнинг 15,6%и эндопротезлаш муолажасини ўтказишга муҳтож бўлган. Касаллик қанчалик эрта бошланса, коксит учраш сони шунча ортган.


АСнинг скелетдан ташқари белгиларига юрак, кўз ҳамда терининг псориаз кўринишида шикастланиши 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Анкилозловчи спондилоартритда скелетдан ташқари кўринишлар**

Скелетдан ташқари белгилар касалликнинг турли босқичларида таҳлил қилинганида клиник намоян бӯлиш асосан, касалликнинг кечки босқичида аниқланган. Жумладан, 2-гурӯҳда аритмиялар ва кўз шикастланиши устунлиги кузатилган. Увеити мавжуд беморларнинг 94,1% НLА-В27 антигени мавжудлиги аниқланган. АС ташхисланганидан ўртача 15 йил ўтиб увеит юзага келиши кузатилган. Юрак қон-томир шикастланиш белгилари экстрасистолиялар, Гисс тутами блокадаси ва қоринчаларнинг вақтидан илгари реполяризацияси, гипоксик ўзгаришлар кўринишида учраган.

HLA-B27 антигени АС беморларида диагностик аҳамиятга эга. HLA-B27 антигенига боғлиқ равишда касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари ва бошланишига таъсири таҳлил қилинган (3-расм).



**3-расм. HLA-B27 антигенига боғлиқ яллиғланиғланишли бел оғриғи дебюти, ёш**

Тадқиқот натижалари 86% беморларда HLA-B27 антигени аниқланган. Ушбу антиген аниқланган беморларда касаллик дебюти ўртача  $24,8 \pm 3,1$  ёшни ташкил этган. HLA-B27 антигени мавжуд беморларда касаллик умуртқа поғонаси шикастланиши билан бошланган. АСда фаоллик даражалари халқаро стандартларга мувофиқ аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Анкилозловчи спондилоартритда фаоллик ва функционал кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	Умумий беморлар n=100	1-гурух n=40	2-гурух n=60
Эритроцитлар чўкиш тезлиги, мм/с	$22,65 \pm 1,78$	$17,1 \pm 1,35$	$28,2 \pm 2,6^{**}$
С-реактив оксил, ммол/л	$24,3 \pm 2,8$	$16,4 \pm 2,4$	$30,2 \pm 3,15^{***}$
ASDAS <sub>ЭЧТ</sub> (Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score)	$2,76 \pm 0,24$	$2,6 \pm 0,02$	$2,8 \pm 0,1$
ASDAS <sub>СРО</sub> (Ankylosing Spondylitis Disease Activity Score)	$2,83 \pm 1,2$	$2,6 \pm 1,24$	$2,8 \pm 1,17$
BASDAI (Bath Ankylosing Spondylitis Disease Activity Index)	$4,7 \pm 0,34$	$4,23 \pm 0,14$	$5,18 \pm 0,45^*$
Изоҳ: 1- ва 2- гуруҳлараро таққослаганда фарқнинг ишончилилик даражаси: * - $p < 0,05$ , ** - $p < 0,01$ , *** - $p < 0,001$ .			

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2-гурухда яллиғланиш фаоллигининг барча кўрсаткичлари (ЭЧТ, СРО, БАСДАИ) сезиларли даражада ошган.

Функционал кўрсаткич-BASFI ва оғриқ интенсивлигини кўрсатувчи ВАШ индекси ҳам ушбу гуруҳда баланд бўлган ( $p < 0,01$ ).

Тадқиқотда, яллиғланиш олди цитокини интерлейкин-17, металлопротеиназа-3 ва тўқима трансформацияловчи ўсиш омили бета-1 (ТЎО-β1) соғлом назорат гуруҳи ва гуруҳлараро ўзаро солиштирилиб ўрганилган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Анкилозловчи спондилоартритда иммунологик кўрсаткичларни баҳолаш**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	1-гурух	2-гурух
Интерлейкин-17 pg/ml	34,75	$72,62 \pm 6,72^{***}$	$172,53 \pm 15,4^{***}$

Матрикс металлопротеиназа-3, ng/ml	21,52	38,6±4,1***	66,3±3,4***
Трансмормацияловси омили-β1 pg/ml	6,72	3,1±1,4	3,3±2,4
Изох: 1- ва 2- гурухлараро таққослаганда фарқнинг ишончилилик даражаси: * -p<0,05, ** - p<0,01, *** -p<0,001.			

Маълумки ИЛ-17, айниқса анкилозловчи спондилоартрит ва аксиал-спондилоартритларда кенг ўрганилмоқда. ИЛ-17 остеокласт фаоллигини кучайтириб, суяк регенерациясини сусайтиради (J. Sieper, D. Poddubnyu 2017). Тадқиқотда, ИЛ-17 миқдори 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 2,1 мартага, 2-гуруҳда эса 5 марта ошган (172,53±15,4), (p<0,001). АСда ИЛ-17нинг ортиши, остеокластлар фаоллигининг ортишига, оқибатда суяк регенерациясининг камайишига, мавжуд яллиғланиш жараёни эса суяк резорбциясининг чуқурлашишига олиб келади.

Организмда тўқималарнинг физиологик ремоделланишида ва яранинг битишида ММПларнинг экспрессияси ортади. Тадқиқотда, ММП-3нинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан иккала гуруҳда ҳам ортиши кузатилган. ММП-3нинг миқдори назоратдаги гуруҳга нисбатан 1-гуруҳда 1,8 марта, 2-гуруҳда эса 3 марта юқорилиги аниқланган бўлса, ўзаро гуруҳлараро фарқ 1,72 марта 2-гуруҳда ММП-3нинг миқдори баландлиги аниқланган.

ТҶО-β1 плеотроп-кўп функцияли цитокин бўлиб, тоғай, суяк тўқимаси шаклланишида, ҳамда қайта тикланишида асосий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга яллиғланишга қарши цитокин ҳамдир. Тадқиқотда ТҶО-β1 миқдори назорат гуруҳига нисбатан деярли 2 баробар камайиши аниқланган. Аммо 1- ва 2-гуруҳлар солиштирилиб ўрганилганида, деярли аҳамиятга эга фарқ аниқланмаган. ТҶО-β1нинг камайиши яллиғланиш жараёни бошқарувининг бузилишига ва унинг ортишига олиб келади.

Шундай қилиб, АС клиник кечиш хусусиятлари HLA-B27 антигенига боғлиқлиги, кўпроқ эркак ёшларда учраши, клиник кечишида умуртқа поғонасининг бел соҳаси шикастланиши ва коксит учраш сонининг юқорилиги кузатилган. Касаллик патогенезида ИЛ-17нинг аҳамияти асосланди ва ММП-3 касаллик радиографик ривожланишида таъсири ўрганилган, ТҶО-β1нинг яллиғланиш жараёнларини бошқаришида аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг **“Анкилозловчи спондилоартритнинг радиографик хусусиятлари ва унинг ривожланишида клиник иммунологик кўрсаткичларнинг ўрни”** номли тўртинчи бобида анкилозловчи спондилоартритнинг сакроилеал битишмадаги ва умуртқа поғонасидаги радиологик белгилари, Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS) индекси ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган.


Анкилозловчи спондилоартритни ташхислашда, сакроилеал битишмадаги касалликка хос рентгенологик белгилардан фойдаланилади (4-расм).



**4-расм. Анкилозловчи спондилоартритда сакроилеал битишманинг шикастланиш соҳаси**

АСда сакроилеитнинг асбобий текширувлар ёрдамида, рентгенологик аниқланмаган (норентгенологик) ва ишонарли рентгенологик белгилари мавжуд ифодаланган ва кечки босқичлари мавжуд. Тадқиқотда сакроилеал битишманинг рентгенологик текшируви ўтказилганда, фақат 2-гурухда сакроилеитнинг ишонарли рентгенологик белгилари топилди. II босқич 29%, II-III босқич 13%, III босқич 38% ва IV босқич эса 20% беморларда аниқланган. 1-гурухда сакроилеитга хос шикастланиш белгилар деярли 47% беморларда ёнбош суягида кузатилган, 53% ҳолатда эса шикастланиш думғаза суягида аниқланган. 2-гурухда аксинча, ёнбош суягида шикастланиши устунлиги кузатилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, касалликнинг дастлабки даврида думғаза суягининг шикастланиш частотаси тез-тез кузатилса, ифодаланган ва кечки босқичларда ёнбош суягининг шикастланиши устунлик қилиши мумкин.

Аксарият ҳолларда, оссеит, субхондрал склероз, эрозиялар биргаликда учрайди ва бу ҳолат АСга характерли ҳисобланади. Беморларда ҳам сакроилеитнинг ҳам яллиғланиш, ҳам структур белгилари бир вақтда учраши характерли ҳисобланади (5-расм).




**5-расм. Сакроилеитнинг МРТ белгиларининг учраши**

Гуруҳлар ўзаро солиштирилганида сакроилеал битишмада оссеит 1-гурухда 1,57 марта кўпроқ кузатилган. 1-гурухдаги беморларда сакроилеитнинг рентгенологик шубҳали

белгилари аниқланган. Ушбу беморларнинг қарийб 1/3 қисмида субхондрал склероз, сакроилеал битишманинг псевдокенгайиши ва эрозиялар аниқланган. Уларнинг кўпчилигида HLA-B27 антигени мавжуд бўлган. 2-гурухда эрозия ва ёғ метаплазияси кўпроқ кузатилган.


АСда умуртқа поғонасининг касалликка жалб қилиниши, ушбу касалликни СпАнинг бошқа типларидан фарқ қилувчи асосий белгиси ҳисобланади. Тадқиқотда, умуртқа поғонасининг кўп шикастланадиган соҳалари ўрганилган (6-расм).



**6-расм. Анкилозловчи спондилоартритда умуртқа поғонасининг шикастланиши**

6-расмдан маълумки, 1-гурухда 25% беморларда 2-гурухда 100% беморларда умуртқа поғонасининг у ёки бу соҳасида турли АСга хос бўлган шикастланишлар аниқланган. Энг кўп шикастланишлар 68,5% беморларнинг бел соҳасида аниқланган бўлса, 25,7% ида умуртқа поғонасининг кўкрак соҳасида ва 5,7% ҳолатда бўйин соҳаси шикастланишлари аниқланган. Умуртқа поғонасининг турли соҳалари бўйича энг кўп шикастланадиган соҳалари таҳлил қилинганида бўйин соҳасида умуртқа танасининг С7-8, кўкрак соҳасида Th10-11 ва Th11-12 оралиғида, бел соҳасида L2-3, L3-4 ўртасида учраши аниқланган.


Умуртқа поғонасининг турли қисмларида синдесмофитларнинг учраши фақат 2-гурух беморларида кузатилган. Ушбу гуруҳнинг деярли ярмида ўсаётган-кўприкчасиз ва тўлиқ шаклланган-кўприкли синдесмофитлар аниқланган (7-расм). Беморларда бир вақтнинг ўзида АСга хос радиологик белгилар биргаликда учраши хос. Кўприкчасиз синдесмофитлар кўпинча, умуртқа поғонасининг кўкрак соҳасида пайдо бўлади ва умуртқа танаси баландлигининг камайишига ва умуртқа таналарининг ёпишишига олиб келиб, умуртқа поғонаси эгрилигига ва кифозига сабаб бўлади. Асосан, умуртқа поғонаси бўйин ва бел соҳасида кўприкчали, ўсаётган синдесмофитлар учрайди ва беморларнинг ҳаракатлар қўламини чегаралайди.



**7-расм. Умуртқа поғонасининг рентгенологик белгилари**

Ўсаётган, тўлиқ шаклланган синдесмофитларнинг аниқланиши, Келлгрэн бўйича III ва IV босқич сакроилеит белгилари аниқланган беморлардагина қайди этилган.

Умуртқа поғонасидаги шикастланишларни аниқлаш учун МРТ текширувидан фойдаланилган. 8-расмда касалликнинг эрта ва кечки босқичидаги МРТ белгилари келтирилган.



**8-расм. Умуртқа поғонасининг МРТ белгилари**

Касалликнинг дастлабки босқичида кам сонли беморларда рентген текширувида ягона эрозиялар аниқланган. Беморларда бунга қўшимча тарзда, МРТ текширувида ёғ метаплазияси ва ялтироқ бурчаклар ҳам аниқланган.

Касалликнинг кечки босқичида деярли барча беморларда юқорида келтирилган белгиларга қўшимча тарзда синдесмофитлар, анкилоз ва умуртқа поғонасининг кифози ҳам кузатилади.

АСнинг дастлабки босқичида морфологик ўзгаришлар яққол ифодаланмайди. МРТ текшируви ёрдамида оссеит, фокал склероз ва бошқаларни аниқлаш мумкин.

МРТ текшируви белгиларни аниқроқ ифодалайди ва уларни баҳолашни осонлаштиради (8-расм).

АСнинг радиологик ривожланишини баҳолаш мақсадида mSASSS индексидан фойдаланилган. mSASSS индекси дастлабки ва 2 йилдан кейинги кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 3-жадвалдаги натижалар олинган.

3-жадвал

**Модификацияланган Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS) индексини баҳолаш**

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ	2-гуруҳ
Дастлабки mSASSS индекси	5,8±2,94	14,35±3,12*
2 йилдан кейинги mSASSS индекси	7,2±3,16	16,4±3,2*
Изох: 1- ва 2- гуруҳлараро таққослаганда фарқнинг ишончилилик даражаси: * -p<0,05, ** -p<0,01, *** -p<0,001.		

mSASSS кўрсаткичи 2-гуруҳда 2,47 марта юқорилиги аниқланган бўлса, 2 йилдан сўнг ҳар иккала гуруҳда ушбу кўрсаткичнинг ортанлиги кузатилган.

Иммунологик кўрсаткичлар ва mSASSS индекси ўртасида боғлиқлик ўрганилганида ИЛ-17 ва mSASSS индекси ўртасида кучли мусбат боғланиш ( $r=0,9$ ) аниқланган. Бу шундан далолат берадики, ИЛ-17 АС ривожланишини кўрсатувчи потенциал цитокин бўлиши мумкин. ММП-3 ва mSASSS индекси ўртасида кучли мусбат боғланиш ( $r=0,85$ ) аниқланган. Бирок, mSASSS индекси ва ТҶО-β1 ўртасида боғланиш ( $r=0,02$ ) аниқланмаган.

Шундай қилиб, анкилозловчи спондилоартрит сурункали яллиғланишли, биринчи навбатда таянч-харакат тизимининг думғаза-ёнбош битишмаси ва умуртқа поғонасининг юқори қисмларини шикастлайдиган, аксарият холларда 45 ёшгача бошланувчи ва HLA-B27 (80-90% холларда аниқланади) гистомослик комплекси I тип антигени билан боғлиқ касалликдир. Анкилозловчи спондилоартритнинг эрта ташҳиси, радиографик ва иммуногенетик ташҳиси ва даво терапиясини оптимизациялаш, касалликнинг клиник белгиларини эрта аниқлаш, ташҳислаш ва замонавий даво терапиясини эрта қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

### Хулосалар

**«Анкилозловчи спондилоартрит радиографик ривожланишида клиник-иммуногенетик кўрсаткичларнинг ўрни»** мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. анкилозловчи спондилоартритнинг эрта босқичи умуртқа поғонасидаги яллиғланишли бел оғриғи, оёқ бўғимларида ассиметрик олигоартрит кўринишида кузатилади ва касалликнинг давомийлиги ортиб бориши билан функционал етишмовчилик ва экстра-аксиал белгилар билан намоён бўлди;


2. анкилозловчи спондилоартрит беморларининг 86% ида HLA-B27 антигени аниқланди ва унинг мавжудлиги касалликнинг эрта бошланиши, скелетдан ташқари намоён бўлиши, ҳамда касалликнинг ривожланишига таъсир қилади;

3. яллиғланиш олди цитокини интерлейкин-17, металлопротеиназа-3 каби кўрсаткичларнинг ортиши, шунингдек плеотроп цитокин трансформацияловчи ўсиш омили-β1нинг камайиши касаллик фаоллигини ҳамда касалликнинг радиологик ривожланиши ва беморларда функционал етишмовчиликнинг яққоллигини ифодалайди;

4. анкилозловчи спондилоартритнинг эрта босқичида магнит-резонанс томография текширувида остеит, ёғ метаплазияси, сакроилеал битишманинг псевдо-кенгайиши, умуртқа поғонасида ялтироқ бурчаклар кузатилган бўлса, кечки босқичда сакроилеал битишманинг торайиши ҳамда анкилози, умуртқа поғонасида синдесмофитлар ва анкилоз кузатилди;

5. анкилозловчи спондилоартритли беморларида дастлабки ва икки йиллик кузатувдан сўнг mSASSS индекси (модификацияланган Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш) ортиши кузатилди ва ушбу индекснинг интерлейкин-17 ва матрикс металлопротеиназа-3 миқдори билан мусбат тўғри боғлиқликка эга бўлди.

Анкилозловчи спондилоартритда сакроилеитнинг эрта ташхислаш алгоритми



Модификацияланган Сток анкилозловчи спондилоартрит умуртқа поғонаси синдромини баҳолаш (mSASSS) кўрсаткичи

<b>МРТ. норма</b>	<b>Рентген. норма</b>	<b>МРТ. Квадратизация</b>	<b>МРТ. Фокал склероз (ялтирок бурчаклар)</b>	<b>МРТ. Умуртқа поғонаси эрозияси</b>
<b>0-балл</b>		<b>1-балл</b>		
<b>Рентген. Ҷсаётган синдесмофит</b>	<b>МРТ. Умуртқа поғонаси синдесмофити</b>	<b>Натижалар:</b>		
		<ul style="list-style-type: none"> <li>• &lt;2-бирлик ўзгариш-секин радиографик ривожланиш</li> <li>• &gt;2-бирлик ўзгариш-ўртача радиографик ривожланиш</li> <li>• &gt;5-бирлик ўзгариш-жадал радиографик ривожланиш</li> </ul>		
<b>2-балл</b>	<b>3-балл</b>	<b>Жами: 0-72 балл</b>		
Муаллиф суратларидан фойдаланилди				

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ  
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

---

**САИДРАСУЛОВА ГУЛИЗЕБО БАХТИЁР КИЗИ**

**РОЛЬ КЛИНИКО-ИММУНОГЕНЕТИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В  
РАДИОГРАФИЧЕСКОМ ПРОГРЕССИРОВАНИИ АНКИЛОЗИРУЮЩЕГО  
СПОНДИЛОАРТИТА**

**14.00.05–Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**Диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

**Тошкент–2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновацией Республики Узбекистан за № 2022.2.PhD/Tib2678.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Мирахмедова Хилола Тухтасиновна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Абдуллаев Акбар Хатамович**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский педиатрический институт**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертаций можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № \_\_\_\_). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 год.  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 года)

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.Л. Аляви**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Анкилозирующий спондилоартрит это хроническое прогрессирующее иммуновоспалительное ревматическое заболевание. Во всем мире распространенность анкилозирующего спондилоартрита колеблется от 0,1% до 1,4%, причем мужчины болеют в 2-4 раза чаще, чем женщины<sup>3</sup>. Заболевание имеет не только медицинское но и социальное значение в связи с поражением лиц молодого трудоспособного возраста, приводящее к ранней инвалидизации из-за постоянных болей и ограничения движения в позвоночнике и крупных суставов. В настоящее время этиология анкилозирующего спондилоартрита неизвестна, в патогенезе имеют значение ряд факторов, в том числе антиген HLA-B27, интерлейкины, металлопротеиназы и трансформирующий фактор роста- $\beta$ 1. В последние годы для диагностики и мониторинга прогрессирования заболевания основное внимание уделяется инструментальным методам исследования, таких как рентгенография и МРТ. При анкилозирующем спондилоартрите выделяется воспалительная стадия и стадия патологического окостенения. Изучение иммуногенетических маркеров и радиологических методов для ранней диагностики, для предупреждения необратимых структурных изменений и улучшения качества жизни пациентов является актуальным.

В мире проводится научные исследования, направленные на рассмотрение патогенеза, клиники, диагностики и эффективности лечения анкилозирующего спондилоартрита. Изучается значение маркеров в диагностике воспалительной активности и прогнозирования клинического течения, роль генетических показателей и инструментальных методов обследования. Важным является диагностика на ранней стадии заболевания, предупреждение прогрессирования, оценка роли рентгенологического и МРТ-исследования в выявлении воспалительных и структурных повреждений.

